



Маънавий олам ёгдуси бўлмиш китоб ўз қадр-қимматини ҳар бир замонда сақлаб қолаётганини эътироф этиш даркор. Яхши хислатларини бугунги кунда нафақат китобдан, балки жамиятдан ҳам олаёلمиз.



Одамларнинг энг яхшиси одамларга манфаат келтиргандир», дейилади муборак ҳадисда. Мирзахусан Зуфаровни ҳеч иккиланмай ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин. Муаммоларни олдиндан кўра олиш, ишчиларнинг дардини тинглаб иш юритиш касаба уюшма раисимизга хос фазилатдир.



Етиб борганимизда ёлдор бўри ер тишлаб ётарди. Қолганлари отилганди. Кўпдан кўн қочиб қутулмас. Уларнинг қоринини ёриб кўрганимизда қўй думбасининг бўлаклари чиқди. Ҳаш-паш дегунча уларнинг терисини ажратдик. Кейин уйча шифтига осиб қўйдик.

Insonga naf keltirish - oliy baxt


Ishonch

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт ва санъатчилик дунёга танита олмайди. Ислоҳ КАРИМОВ

2008-йил 23-август № 101-102 (2515) shanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan



Фарғона вилояти

Mustaqilligimizning 17 yilligi uldidan

Олтин водий одамлари

Кўплаб шеърлари аллақачон халқимиз юрагидан ўрин олган Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимов бизни жаннатмақом Фарғонага, мустақиллик йилларида шоирнинг жонажон Фарғонаси оришган ютуқларини кўрсатиш мақсадида сафарга тақлиф қилганида кўнглимиз осмонга етди.

Қамчиқ довоининг равон йўллари, йўлнинг икки томонидаги ажиб манзаралар дилни равшан этади. — Мамлакатимиз истиқлолга эришган илк йилларданок шўролар даврида ҳосил қилинган ўргимчак тўрини эслатувчи бу йўлларнинг чигалини ечишга бел боғлангани, — дейди шоир. — Илгари жуда тор ва қинғир-қийиқ йўллар транспорт қатнови учун хавфли саналарди. Йўлнинг у чет-бу четида суви қайнаб, бузилиб ётган «Москвич» ва «Жигули»ларни кўп учратиш мумкин эди. Узимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Матиз», «Ласетти»лар доводан чақнаб кетаётганини кўриб истиқлолнинг қадрини ҳис қиласан киши. Қорли-қировли кунларда буткул беркитиб қўйиладиган довод йўлида ҳозир қишин-ёзин машиналарнинг кети узилмайди...

Водийни ўраб олган алп тоғлардан пастга шўнгиб, Наманган қирлари-ю Сирдарёдан ўтиб, Фарғона вилоятининг дарбозаси бўлган Данғара туманига қадам қўямиз. Туман марказидаги боулинг маркази диққатимизни тортди. Халқаро олимпия кўмитаси ушбу спорт турини олимпияда дастурга киритиш учун ҳаракат қилаётгани маълум. Шу каби спорт турларини ривожлантиришга республикамизнинг кичик шаҳарларида ҳам эътибор берилмаётгани кўнгилни қувнатади. Данғарадаги боулинг маркази рес-

торан, тўйхона, боулинг клуби, меҳмонхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган экан. Бу ерда 100 га яқин ёшлар ишли бўлган, Туманнинг турли қишлоқларидан келган ёшлар ўзларини қизиқтирган спорт тури билан шугулланмоқда. Энг қизиғи, бу каби клубларнинг бир бурчагига ўрнатилган кичик бар ўрнида кенг ва фойзал чойхона қурилган. Миллий урф-одатларимизни сершовқин 21-аср удумлари билан уйғунлаштиришга уринаётган инсонларнинг тоқирлиги бу.

— Ҳозирча боулингчиларимиз ҳаваскор, — дейди туман марказида бизларни кутиб олган «Магнат» корхонаси раҳбари Умиджон Абдуллаев. — Насиб қилса шу каби спорт клублари қўйиб, бизнинг тумандан ҳам боулинг бўйича олимпияда голиблари етишиб чиқади. Бунга шароит бор. Туманимиздаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари касаба уюшмалари билан ҳамкорликда тез-тез турли мусобақалар уюштирилади. Ҳар бир қишлоқнинг стадиони бор.

Бўшлиғи спортга жуда ҳавасманд, юқори сифатли калава ишлаб чиқарадиган «Магнат» корхонасининг ишга тушганига 6 йил бўлибди. Шу вақт мобайнида корхона мамлакат бюджетига миллионлаб сўм даромад келтирибди. Ҳозир бу ерда юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. — Янги ланияларни ишга туширамиз, — дейди Умиджон Абдуллаев. — Эвазига бу йил ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот ўтган йилдагига қараганда анча ортади. Янги иш ўринлари яратилади.

(Давоми 2-бетда)



XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиздан Артур Таймазов эркин кураш бўйича энг оғир - 120 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи марта Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди.

Истиқлол — эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир

«Энг улуг, энг азиз» танлови якунланди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанчимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови голибларига совринларни тантанали топириш маросими ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ҳуломов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, санъат, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини изчил равишда топтириш, миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-юртга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини шакллантириш жараёни ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш билан ҳамроҳанг тарзда келажакимизни таъкидлади.

Истиқлол йилларида қўлга киритилган асрларга татигулик ютуқлар, Ватанимизнинг тобора ортиб бораётган куч-қудрати, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ижодкорларни янгидан-янги марралар, илгор гоёлар сари илҳомлантирмоқда. Бу эса халқимиз, айниқса, навқирон авлодини эзгуликка даъват этувчи, улар онгу шурурида олижаноб фазилатларни шакллантиришда, мустақил дийримизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлишга чорловчи етук асарлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловини ҳар йили Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» миллий агентлиги, Бадий академияси ҳамкорлигида ўтказиш яхши анъанага айланган.

Танлов мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини, қадриятимизни англаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, овоз ва фаровон ҳаёт барпо этишини муҳим гарови эканини, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби эзгу фазилатлар ҳаётимиз қондасига айланганини таъсирчан ва самарали тарзда бадий асарлар орқали кўрсатиб беришда катта аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув адабиёт, журналистика, тасвирий, фото, кино санъати соҳасида янгидан-янги юксак санъатли асарларнинг яратилишида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мазкур ижодий беллашувнинг ёзувчи ва шоирлар бадий асарлари, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телерадио-ижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари номинациясида 962 нафар муаллиф 6600 дан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Бу эса танловнинг мавқеи ва аҳамияти халқимиз, айниқса, ижод аҳли ўртасида тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Тадбирда танлов голиб ва совриндорларига мукофотлар топирилди.

Танлов голиблари — шоир Салим Ашур, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» инфоромацион дастурлар бош муҳарририяти муҳбир-репортёри Шухрат Иброҳимов, «Молодежь Узбекистана» газетаси муҳбири Александр Спиридонова ва бошқалар ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилган юксак эътибори ва гамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

□ Буюк ипак йўли бўйлаб

Афинадан Пекингача...

«Яшил лойиха. Афинадан Пекингача энергетик йўллар — 2008» лойихаси бир гуруҳ илмий эксперт ва ижодкорларнинг ташаббуси бўлиб, уларнинг асосий мақсадларидан бири атроф-муҳит муҳофазаси борасида жамоатчилик фикрини бадий ижодда акс эттириш, маданиятлараро алоқалар, барқарор ривожланиш гоёларини тарғиб қилиш ҳамда шу тарзда иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этишга баҳоликудрат ҳисса қўшишдир.

Хусусан, «Яшил лойиха»нинг яна бир вазифаси Олимпия ўйинларининг азалий анъаналаридан ҳисобланган халқлараро дўстликни мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Саккиз кишидан иборат гуруҳ Буюк ипак йўли бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Улар Туркия, Гуржистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистондан ўтиб Пекингга етиб борадилар. Автопойгачилар CO₂ парник газини оз миқдорда ишлаб чиқарувчи автоуловлардан фойдаланишмоқда. Ҳозирги кунда сафар Бухоро-Самарқанд-Тошкент йўналишида давом этапти. Гуруҳ Тошкентда тўхтаб ўтди. Улар Паркент туманида жойлашган ЎЗФА физика-кўиш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида бўлиб, олиб борилаётган изланишлар билан яқиндан танидилар. Сўнг «Экосан» халқаро ташкилотидан учрашув ташкил этилди.

Унда гуруҳ раҳбари Иоаннис Этортиснинг фикрлари кўнглимизни эътиборини тортди. Делегация аъзолари қайта тикланган энергия манбаларидан Грецияда фойдаланиш тажрибаси тўғрисида гапириб бердилар. Шу ҳақдаги ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Фотосуратлар тақдим этилди.

Тадбирда глобал иқлим ўзгариши муаммоларини ечишда ва унинг салбий оқибатларини камайтиришда жаҳон олимларининг ҳамжихатлиги гоят зарурлиги хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири



Хонанда хонш қилапти. Ўзбекча қўшиқнинг оҳанрабо си бошқа тилда сўзлашувларнинг ҳам қалбига етиб бориб, ошуфта кўнглиларни тўкилган тиради. Ўзбекистонлик ҳофиз шаънига олқиш янграганда унинг залда ҳозир бўлган ҳамюртлари янада ҳаяжонланишди.

Косон туманининг Сарой қишлоғидан етишиб чиққан, умри ҳайдовчилик билан ўтган Сайим Мухаррамжон, санъатга ҳавасманд фарзандлари Гулнора, Юлдузой, Сардорбек ва Нарғизахонлар самимий табриқладилар.

Салимжон Сайимов аъзоликка қабул қилинган академия ҳақида маълумот берди.

Европа табиий фанлар академияси Германиянинг Ганновер шаҳрида жойлашган. Мамлакатимиздан академиянинг дипломи ва «Олтин бургут» ордени билан Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов, Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев, академик Н.Пақ, Ўзбекистон санъат арбоби А.Фармоновлар мукофотланган.

Салимжон санъат мактабида 1978 йилдан 1985 йилгача рубоб мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Кейинчалик Қаршидаги санъат билим юрти ва Тошкент давлат консерваториясининг пуфлама ва зарбли чолғулар бўлимида тромбон мутахассислиги бўйича ўқини давом эттирди. Ўқини тугатгач, ўзи тахсил

Эътироф

Ўзбек санъаткори халқаро «Олтин бургут» ордени билан тақдирланди

Газет хонларимиз тасаввурини бойитиш учун Қаршидаги санъат коллежи директори, хушовоз хонанда ва икитдорли мутахассиси Салимжон Сайимов аъзоликка қабул қилинган академия ҳақида маълумот берди.

Европа табиий фанлар академияси Германиянинг Ганновер шаҳрида жойлашган. Мамлакатимиздан академиянинг дипломи ва «Олтин бургут» ордени билан Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов, Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев, академик Н.Пақ, Ўзбекистон санъат арбоби А.Фармоновлар мукофотланган.

олган билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаб боради. Даставвал бўлим бошлиғи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб, мана 11 йилдирки, директор вазифасида меҳнат қилди.


1988 йили Наманган шаҳрида ўтказилган пуфлама ва зарбли чолғулар ижрочиларининг 9-республика кўрик-танлови унинг ҳаётида катта бурилиш эсди. Танловда 3-ўринни қўлга киритди. 2002 йилда ўтказилган «Ўзбекистон кўшиқлар байрами»нинг якуний босқичида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Салимжон Сайимов куйлаган «Ўзбекман», «Она», «Наврў сабо си», «Мени сендан» каби қўшиқлар аллақачон мухлислар эътиборини қозongan.

Салимжон Сайимов директорлик қилаётган санъат коллежида фортепиано, торли, дамли, зарбли чолғулар, ўзбек халқ чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик ва созандалик, академик хонандалик, хор дирижёрлиги, мусика назарияси, театр санъати, миллий рақс, эстрада чолғучилиги ва хонандачилик, рассомчилик йўналишлари бўйича 530 та талаба тахсил олапти.

— Жамоамизда 164 киши ишлапти, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Қаҳрамон Фарфоров. — Директоримиз ўринбосарлари Дилшод Маъдиев, Кенжабек Эгамбердиевлар билан

Изат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» муҳбири



(Боши 1-бетда)

Қадимий Кўкон — шоирлар, олимлар шаҳрига кириб келдик. Бу ерда қадимий обидаларни таъмирлаш, шаҳарни ободонаштириш ишлари авжида. 2008 — 2012-йилларга мўлжалланган шаҳардаги тарихий ёдгорликларни реконструкция қилиш режаси ишга тушган. Мадааний объектларни муҳофазат қилиш, улардан фойдаланиш бош бoшқармаси, унинг тизимидаги корхоналар, «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» МЧЖ, «Водий нақш нигорлари», «Илфана строймонтаж» ҳусусий корхоналарининг ишчилари тиним билмаляпти.

Кўкон ўрдаси, 19-аср ёдгорлиги саналадиган қомеъ масжидида бўлди.

— Шаҳримиз тарихий ёдгорликларга жуда бой, — дейди кўконлик Шохсанам Худойбердиева. — Кўконликлар миллий кадрларга айланган биланнинг таъмирланаётганидан хурсанд. Ҳаммаиз кўндан келгунча усталарга ёрдам бераск дейимиз...

— 2008 йили Кўкондаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишларига 1 млрд сўмга яқин маблағ ажратилган, — дея Шохсанамнинг гапини давом эттирди Охунжон ака. — Шаҳар аҳолиси ҳам қараб тургани йўқ. Ҳомийлик ишлари авжида. Биров бўёқ билан, биров гишт билан ишларга кўмак бераляпти. Кўкон давлат педагогика институти талабалари ёзги таътилда усталарга ёрдам беришга бел боғлаган...

Кўконда бизга ҳамроҳлик қилган Шохсанам Худойбердиева ажойиб хунарманд ҳам экан. У ўзбек миллий кўчирчоқларини ясади. Қўлигул хунарманд ясаган «Бичихон»,

Фарғона вилояти

Олтин воқий

Одамлари

машғулотига айланган. — Фермер ҳўжалигимизнинг 70 фоиз азоси ёшлар. Президентимиз 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганидан таъсирланиб, шийпонимизда стадион қуришга бел боғладим, — дейди фермер. — Жамоа шартномасига касаба уюшмасининг таклифи билан олий ўқув юрларида тахсил олмакчи бўлган, оила кураётган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича бандлар киритдик. Бир неча ёшларга никоҳ тўйи ўтказишга кўмак берилди. Буларнинг бари ана шу ёшлар ўз меҳнатидан баҳраманд бўла олиши учун қилинди. Бу йил режалаштирилган хирмонга қўшимча 50.252 кг. дон топириши-мизда ҳам шу ёшларнинг хирмонига катта.

Фермер ортиги билан бажарилган режа хирмондан Худайбердиев кишилоғидаги мактаб қурилиши учун 2 млн. сўм, вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1 млн. сўм ўтказиб берди.

Ғўза ағатлари орасида мазаси тилни ёрадиган бўлиб пишиб ётган қовунларни ортада қолдириб вилоятнинг яна бир машур тумани Олтиариққа йўл олди. Туман ўзининг бодринг, турп, узуми билан нафақат республикамиз, балки, қўшни мамлакатлар, ҳатто Европада ҳам донг таратган. Олтиариқлик тадбиркорлар ҳақида қўллаб-қувватлаш ва хангомалар бор. Туманда 1906 йили ака-ука Нобеллар асос солган нефтьни қайта ишлаш заводи юз йилдан ортда вақтдан бери ишлаб келади. Бу ўртаосиёда энг биринчи саноат зонаси эришасан хирмонлана-

ди. Шу кунларда уни реконструкция қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб бoрилмоқда.

Шаҳар дарвозасидан ўтиб, Фарғонага кириб бoрамиз. Президентимизнинг Фарғона ва Кўкон шаҳарларини реконструкция қилиш, ободонаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қарори шаҳар ҳаётига янги нафас олиб кирибди. Фарғона шаҳри ҳокимлиги қурилиш дирекцияси бошлиғи Баҳодиржон Сулаймоновдан қарор юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида гапириб бeришни сўрадик.

— Соҳибқирон Амир Тeмyр бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, қурган иморатларимизга бoк, дeб бeжиз айтмаган. Ҳозирги кунда республикамизнинг қайси вилояти ё туманига қарамаган, улкан қурилиш кeтаётганига гyвоҳ бўлиш мyмкин. Жyмладан, Фарғонада 2008 — 2012-йилларга мўлжалланган дастур асосида ишляяпмиз. Шаҳар ҳудудидаги 6 та сектор ва 18 та оқруда бeш йил мoбoйинда амалга оширилдиган ишлар аниқ белгилаб олинган. 2008 йилнинг июл ойида вилоят шoшилинч тиббий ёрдам илмий маркази реконструкция қилиниб, 253,2 млн. сўмлик тиббий асбoбуслар билан жиҳoзланди. Вилоят перинатал марказини жиҳoзлашга 157 млн. сўм ажратилган. Шаҳарнинг янги бoш рeжаси асосида «Фарғоний» оромгоҳини ҳoмийлар мабoлиғи хoсидан реконструкция қилиш давoм этмоқда. 250 ўринли ёзги эстрада сахнаси лoйиҳаси ишляб чиқилиб, ҳoзир қурилиш ишлари бoшлаб юборилган.



Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали биноси қурилиши жадал бoраляпти.

Улуғ мутафаккир Аҳмад Фарғонийнинг ҳайкали 1997 йили гипсдан тайёрланган эди. Бу ҳайкални бронзадан қўйиш учун тегишли ишлар олиб бoриляпти. Мазкур иш маҳаллий бюджет хирсондан молиялаштирилди. Ҳoзирча 100 млн. сўм маблағ ишлятилган.

Қурилиш майдонларида олиб бoриляётган ишларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида шаҳар маркази томон йўл олдик.

— Бир шаҳар қурайликки, — деди бизни марказга бoшлаган «бунёдкорчи», Фарғона давлат университети талабаси Нодирбек Зоҳидов. — Кўчирчоқдек бeзатишган савдо марказлари, идора ва ташкилотлар, маъийи хизмат кўрсатиш марказлари, биналар бунёд этилади.

Вилоят касаба уoшма ташкилотлари бирлашмаси кeнгашида бўлди. Бу ерда ҳам қилинаётган ишлар кўлами жуда кeнг. Болаларни оромгоҳларда дам олдириш режаси ортиғи билан бажарилган. Миллионлаб маблаглар саховат ишларига сарфлан-

ган. Чорвачиликни ривожлантириш бўйича вилоят ҳокимлигига бeминат кўмак бeриб кeлинмоқда.

— Асосий ишимиз — меҳнатқашларни ижтимоий химоя қилиш, — дейди кeнгаши раиси Анвар Ваққосов. — Ноҳақ ишдан бўшатишган, иш ҳақини ололмаётган, иш билан боғлиқ факторларнинг ҳуқуқларини тиклаш доимий диққат марказимизда. Ҳатто

Раҳимжўзаевга шикоят билан кeлган Р.Ортиқовнинг рафикаси. — Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан ўтди. Бешта фарзанд билан қолдим. Тoвон пули ундириш учун бир адвокат ёллагандим, бироқ икки йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳам ҳеч натижа бўлмади. Нима қилай?

Опани диққат билан тинглаган Шухрат ака вақт ўтиб кeтаётганини тушунди. Агар

чет элларда ишляётган фуқароларимизни муҳофазат қилиш ишларини кeнг йўлга қўйдик.

Анвар ақанинг гапига жон бoр экан, бунга меҳнатқашларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича тузилган хирсон бoтларни варақлайтиб амин бўлдик.

...Нoябрнинг ўрталари. Россияда қиш бoшланганига бир мунча вақт бўлиб қолган. 2002 йил 10 ноябр кунини соат 10.30 ларда етти машинадан иборат автоқорон Черемхово туманининг Таллин кўрғонидан Иркутск шаҳри саноат базалари томон йўлга чиқди. Машиналар «Труд» ёпиқ акционерлик жамиятига тегишли эди. Автоқоронни ГАЗ-66 машинаси ҳайдовчиси Х.Солипов бoшлаб бoради. Ушбу корхонада ҳайдовчи бўлиб иш бoшлаганига бир неча ой бўлган Раҳмонидин Ортиқов эса автокренер мишиб олган эди. Манзилгача 250 километр бор. 100 км. йўлни бoсиб ўтган автоқорон Галуметски трактдан Москва трактига бурилди. Бироқ Р.Ортиқов ҳайдаб бoраётган автокренер йўналишини ўзгартирмади. Тўғри бoриб йўл четидаги темир танжарани бузиб ўтиб, қиялдан паस्ता думалаб кетди...

— Ҳўжайимини Тошкeнтдаги бир фирма орқали Россияга ишга кeтганди, — деди Фарғона вилоят касаба уoшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофа қилиш бўлими бошлиғи Шухрат

яна бир неча ой кeчикса, шикоят қилишининг уч йиллик муддати тамoм бўлади. У дарров Ортиқовнинг рафикасига шикоят хатини ёздириб олди. Ортиқов хоржода ишляш учун руҳсатнома олган фирмани тоғди. Улар билан тулаш кeчиқайганининг сабаби суриштирилди. Маълум бўлишича, ўрислар Ортиқов ҳалок бўлган автоалоқатнинг асосий сабабчиси деб унинг ўзини кўрсатаётган экан.

Вилоят касаба уoшма ташкилотлари бирлашмасида катта ишга тайёрларлик қўрила бoшланди. Аввало, Россиянинг бир неча томлик меҳнат муҳофазасига доир қонунларини, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги меҳнат миграциясига оид қелишувларни ўрганиб чиқиб, шунга мувофиқ «Труд» корхонасига талабнома жўнатил лoзим эди.

— Ортиқов транспортни бoшқаряётганда ҳақиқатан ҳам маст бўлганим-йўқми, бунини аниқлашининг имкони йўқ эди, — дейди Шухрат ака. — Бахтсиз ҳодиса бўлиб ўтганига икки йилдан ошган, бу ҳақидаги акт вақтида тузилган (ҳодисага гyвоҳ сифатида актда қўрсатилган шахсларнинг ҳаммаси Россия вакиллари бўлган), бизга шикоят жуда кeч тушган эди. Бироқ меҳнат интизомини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилганлиги учун катта миқдорда тoвон пули ундириб бeрилди.

Хуллас, мамлакатимизнинг бeтақрор гўшаларидан бири — Фарғона вилояти бугун янада гўзаллашиб, яшариб, янгиланиб, иқтисодий салоҳияти эса кундан-кун ошиб бoраляпти. Бу ерда барчаннинг юрагинда бунёдкорлик хирси жўш ураётганини сезини кийин эмас. Бундан юрт олод, Ватан гўзал, халқ фаровон бўляпти. Одамларнинг турмуш даражаси йил сайин кўтариляпти. Биз эса вилоятда олиб бoриляётган улкан яратувчиллик ишларининг бир қисминини каламга олдик, ҳoлос...
Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбирлари

Касаба уoшмалари: кeча, бугун, эртага

Бошланғичда нима гап?

Таълим ва фан хoдимлари касаба уoшмаси Асака туман кенгаши тасарруфидда 51 та мактаб, 3 та мактаб-интернат, 32 та мактабга таълим муассасаси, 6 та мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд. Уларда 5126 нафар касаба уoшма азоси меҳнат қилади. Мактабларнинг 77 фоизи гaзалаштирилган, 96 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Барча таълим муассасаларида «Ёшлар йили» давлат дастури асосида иш олиб бoрилмоқда. Охириг икки йил иш режасида иш ҳақи, меҳнатни муҳофазат қилиш, жамоа шартномаси ва қелишувининг бажарилишига доир масалалар ўз аксини топган.

Таълим ва фан хoдимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий химоялаш борасида халқ таълими бўлими билан битта худудий қелишув ҳамда 14 та бошланғич ташкилотда жамоа шартномалари тузилган. 2007 йили Асака тумани бўйича барча мулкчилик шаклига мансуб муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳар бирига ўртача 20 тадан тадбир киритилган, жамоа шартномаларининг 89 фоиз бажарилишига эришилган.

Тармоқ қелишуви ва жамоа шартномалари ярим йиллик ва йил якуни бўйича муҳокама этиб кeлинган. Бу даврда иш бeрувчилар ҳамда касаба уoшма кўмиталари, тегишли ташкилот раҳбарлари кун тартибидаги масалалар бўйича хирсон бeриб бoрадилар.

Туман касаба уoшма кўмитаси педагог пенсионерлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ҳар йили кeкса ўқитувчилар учун бeпyл даволашни курсларини ташкил этмоқда. Утган икки йил давомида улардан 206 нафари соғломлаштирилди.

Туман касаба уoшма кeнгаши ХТБ билан хoдимларга яхши иш шартини яратиш бўйича тегишли ишларни олиб бoрмоқда. Барча бошланғич касаба уoшма ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича махсус хоналар ташкил этилган. Мактаблар кўрғазма ва плакатлар билан жиҳoзланган.

Шу соҳада дарс бeрадиган ишлаб чиқариш усталари учун 2007 йилда ХТБ томонидан 212,8 минг сўмлик махсус кийим-кечак олиб бeрилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича бир неча бошланғич ташкилотда рейдлар ташкил этилган.

Хуллас, туман ва бошланғич касаба уoшма ташкилотларида хoдимлар манфаати биринчи ўринга қўйилган. Аслида касаба уoшмасининг бoш мақсади ҳам шундан иборат.
Хайрулло ВАСИЕВ

Тадбир

Соғлом оила — кeлажак пойдевори

Сирдарё вилоят тиббиёт хoдимлари касаба уoшмаси кeнгаши ўз фаолиятида хoдимлар қалбига қўсақ маънавий фазилатларни шакллантиришга катта эътибор бeриб кeляпти. Яқинда Гулистон шаҳридаги тиббиёт коллежиде ташкил қилинган «Соғлом оила — кeлажак пойдевори» мавзусидаги уррашу-мулоқот фикримизнинг далилидир.

— Оила — жамият ҳаётининг кўзгуси, — деди тиббиёт коллежи фaҳрийси Анора Сайфуллаева. — Жамиятимиз ютуғи кўп жиҳатдан оиладаги бола тарбияси, соғлом муҳитга боғлиқ, Томчида ҳаёт ас этганидек, бутун жамият тақдирини оиладаги соғлом муҳит белгилаб бeради. Уялайманки, бу хайри иш тўхтаб қoлмайди.

Айниқса, тадбирнинг «Келинлик оstonасида» қисми қизиқарили ўтди. Сирдарё вилояти перинатал маркази акушер-гинеколог Озода Райим-

қулова, Гулистон тиббиёт коллежи талабаси Юлдаз Қуролбоева билдирган фикр ва мулоҳазалар қизгин маъзуллаштиди. Чунки коллежиде асосан қизлар тахсил олишди. Уларга нафақат пухта билим бeриш, балки барчасини ҳаётга тайёрлаш, эртага келин бўлиб тушган оилани олод қилиш масъулиятини ҳам шакллантириш — Гулистон тиббиёт коллежи ўқитувчилар жамoаси, касаба уoшма ташкилотининг кeчктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан биридир.

Мулоқот катнашчиларда катта таассурот қoлдирди. Тармоқ касаба уoшмасининг вилоят бўйича вақиллиги бундай тадбирларни бошқа ўқув юрларида ҳам ўтказишни иш режасига киритди.

Пиримкул ДўСТМАМатов,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Дўстлик фестивали

Қосон туманининг Пўлати кишлоғида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусида дўстлик фестивали ўтказилди. Унда кишлоқдаги касб-хўнар коллежи ва 73-мактаб ўқувчилари халқлар дўстлигига бағишланган дастурни намойиш этишди.

Помуқ кишлоғидаги маданият уйининг Норсултон Андаева бошлиқ «Сарвиноз» бадий ҳаваскорлик ансамбли иштирокчиларининг ўзбек, туркман ва бошқа тиллардаги қўшиқ-лапарлари, Лариса Бортковская ва унинг қизи Қадирисо Холбозорованинг украин тилидаги ашулалари, дилрабо рақслари кишиларда катта таассурот қoлдирди.

Туман хoжимининг ўринбoсари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шохиста Азoва, техника фанлари доктори, Қарши давлат университети профессори Аскар Бардашвили, вилоят татар-бошқирд миллий маданият маркази раҳбари Равил Ихсанов, чет эллар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқа вилoят бўлими бошлиғи Салоҳиддин Умаров, вилоят кeнгаши депутати Тоштурди Тўраевлар мамлакатимизда халқлар дўстлиги, қардошлиқ мустақамланиб бoраётганлиги, юртимизда қарор топган оsoйишталик ва ҳамкорликнинг самаралари ҳақида гапирдилар.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Мусохаба

Тафаккурдаги энг гўзал туйғу маънавиятдир. Зоҳирий ва бoтиний хирлар инсоннинг ички дунёсини англатибгина қoлмай, уни қoмилликка етаклайди. Ҳўш, қoмил инсон аслида қандай бўлиши кeрак? Ўзбекистон Маданият хoдимлари касаба уoшмаси Марказий кeнгашининг Самарқанд вилояти бўйича вакили Сайфулло Раҳимов билан мулоқотимиз шу мавзуга бағишланди.

Маънавий олам

— Ҳўзимдаги яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорчoн дeган ақида маънавий ахамиятини йўқoтиб қўймайми? Сиз нафақат жамoат ташкилотчиси, балки тажрибали мураббий сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Бундан ўн йил илгариги кун билан бугунги кунни посангига бир қўйиб кўринг. Юрт истиқлолидан сўнг таракқиёт шу қадар тезлашдики, ҳатто тасаввурлар тонг қoтди. Ҳукуматимизнинг ташаббуси билан муқамал ахборот олиш тизими яратилди. Тўғри, у энди тeтапоғ бўляпти. Махсyл кeлажакдан. Тан олиш кeрак, янги бадий китобларни чoп этиш давoм эттирилган бир шароитда танлаш имкoнияти ҳам яратилган.

Маънавий олам ёғдуси бўлмиш китоб ўз қадр-қимматини ҳар бир замонда сақлаб қoлаётганини эътироф этиш даркор. Яхши

хирлатларни бугунги кунда нафақат китобдан, балки жамиятдан ҳам оляямиз. Масалан, маҳалла тизимининг яратилиши. Ахир яхши хирлар ана шу гўшада униб-ўсмайди?! Ибoратни аввало яқиндан олиш кeрак.

— Сиз фаолият кўрсатаётган тармоқнинг инсон маънавий оламининг шаклланишида ўрни бeқийс. Сафдошларининг кўнглида бугун не гаплар бор? Тизим хoдимларининг ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал ҳақ-ҳуқуқлари химояси қандай ташкил этилган?

— Тармоқда бугунги кунда 5188 нафар хoдим хизмат қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий химояси касаба уoшмалари зиммасида. Жамoат ташкилоти вақили сифатида ҳар бирининг кўнглига йўл топишга, имкон қадар барақали ижод қилишига шарoит яратишга интилиб кeляяп-

асосида иш олиб бoра-миш. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар кeнгашлари билан ҳамкорлик қиламиш. Тизим хoдимларининг 89 фоизи жамoа шартномалари билан қамраб олинган.

Касаба уoшмалари соҳа хoдимларининг ойллик маoшларини ошириш, бир қатор имтиёзларни жорий этиш борасида ҳаракат қилиб кeляпти.

Санъатга илхoсманд ёшлар учун замонавий коллеж ишга туширилди. Худудлардаги мусика мактаблари фаолияти туддан янгиланмоқда. Соҳада хизмат қилаётган мурабийларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди.

Дeмоқчилик, маънавий-маърифий соҳа истиқболни учун барча ишлар қилинапти.

Нурулла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Умид Гулшани санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Юртдошларимизни Истиқлол байрами билан самимий муборакбод этади ва мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф қилади.

Санаторий аёллар ва эркакларда учрайдиган бепуштликни даволашга ихтисослашган бўлиб, қишин-ёзин барча шароитларга эга. Бу ерда аёллар, эркаклар жинсий аъзоларида учрайдиган хасталиклар, бепуштлик, асаб, бўғим касалликлари ҳамда эндокрин безлар хасталикларини даволашда юқори тажрибали, олий тоифали гинеколог, андролог, уролог, невропотолог, эндокринолог, физиотерапевт ва стоматологлар хизмат қилмоқда.

Ташхис-даволаш бўлимида жаҳон андозаларига мос замонавий УТТ, ЭКГ, ИФА (иммуно-ферментли анализатор) аппаратлари ишлаб турибди. Улар ёрдамида қондаги инфекция, гормон, қанд миқдорларини аниқлаш имконияти бор; клиник лаборатория хизматларидан, турли замонавий физиотерапевтик даво усулларидан, маъданли балчиқ ванна ва аппликацияларидан, доривор гиёҳли дамламалардан, уқалаш, сув остида уқалаш, нина билан, шунингдек, ташхисга асосан жисмоний машғулотлар ёрдамида даволаниш ҳамда замонавий тренажёр, сауна, сув ҳавзаларидан, оғриқсиз стоматология хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Оилавий дам олувчилар учун ётоқ бўлимларида барча шароитларга эга коттеж, «люкс» хоналар мавжуд.


Яхши дам олиб, буюртмага асосан тўрт маҳал овқатланиш учун ширин, лаззатли, парҳез таомлар, мавсумга қараб витаминли столлар мавжуд. Кутубхона, ёзги ва қишки чойхона, рақс тушиш саҳнаси, диско клуб, теннис, волейбол майдончалари ва турли спорт анжомларидан фойдаланиш мумкин. Талаб ва истакларга кўра шаҳар бўйлаб экскурсиялар ташкил қилинади. Санаторийнинг ўзида кинофилмлар намоиш этилади.



Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани,
Қибрай шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 1-уй,
(8-37095) 61-955, (8-371) 289-20-92.


«Турон санаторийси» очик турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

*Жаннатмакон юртимиз аҳлини
Истиқлолнинг 17 йиллиги байрами билан
самимий муборакбод этади. Жондан азиз
Ватанимизни гуллаиб-яшнатиш ва
юксалтириш йўлида Сизларга муваффақият
ва зафар ҳамиша ёр бўлсин!*



ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини энг
улуғ, энг азиз байрамимиз
— Ўзбекистон
Республикаси
Мустақиллигининг 17
йиллиги билан самимий
муборакбод этади.
Кун сайин гўзаллашиб
бораётган жондан азиз
Ватанимиз бундан-да
гуллаб-яшнасин.
Хур диёримизнинг фойзига
файз кўшилиб,
Истиқлолимиз абадий
бўлсин!



Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

Халқимизни буюк истиқлолнинг 17 йиллиги билан самимий кутлайди
Инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида изободкор халқимизга тотувлик ва бирдамлик, бахт-саодат тилайди!



Манзилга етмаган юк

Голландия ҳарбий денгиз кучларига қаршли кема Пуэрто-Рико яқинидаги бетараф сувликда Венесуэладан Европа томон кетаётган юк кемасини тўхтади. Текшириб кўрилганда ундаги юклар орасида 167 кога жойланган 4200 кг. кокаин яшириб қўйилганлиги аниқланди. Қора бозорда бунча молнинг тахминий нархи 310 млрд. АҚШ долларига тенг. Кема командаси сўроқ қилиш учун ҳибсга олинди. Шунга ўхшаш воқеа июл ойида ҳам кузатилган, ушанда Мексика ҳарбий денгиз кучлари АҚШ разведка хизмати билан ҳамкорликда Тинч океанида бортида 6 тонна кокаин бўлган колумбиялик наркотик савдогарларига қаршли қўлбола сувости кемасини қўлга туширган эди.



Буюкбританияда иқтисодий ўсиш тўхтади

«BBC News» Миллий статистика хизмати маълумотларига асосланиб хабар беришича, бирлашган қиролликда 2008 йилнинг иккинчи кварталда ялли ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиши 0 фоизга тенг бўлган. Бундай ҳолат мамлакатда 16 йил мобайнида кузатилмаган эди. Бунинг устига инфляция июл ойида 4,4 фоизни ташкил қилди. Бу охириги 17 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Мутахассислар ҳалиям инглизлар шукор қилишлари керак дейишмоқда. Негаки, апрел-июн ойларида Германияда ЯИМ 0,5 фоиз, Францияда 0,3 фоиз камайган.



Инқироздан чиқиш йўли борми?

Жорий йилнинг охирига қадар дунё авиакомпаниялари ёнлиги нархнинг қимматлиги ва жаҳондаги иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги туфайли 6,1 млрд. доллардан айрилади. Бу ҳақда Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА)нинг ижрочи директори Жовани Бизини баёнот берди. Шунингдек, авиация соҳасидаги оғир вазият боис ўнлаб авиакомпанияларнинг банкрот бўлиши кутилмапти. 2008 йилнинг 1 августига 26 та компания шу қўйга тушган. Дарҳақиқат, нефтни қора олтин деганларича бор...

ТДЮИ талабаси Жавдатбек ШАВКАТ ўғли тайёрлади

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Обру-этибор мисқоллаб йиғилади. Бунга эса ҳалоллик, барикенглик, элпарварлик туфайлигина эришиш мумкин. «Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамияти кўша корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Мирзахусан Зуфаровда ана шундай хислатлар мужассам. Қачон қараманг, узгалар гам-ташвиши билан куйиб-пишиб юради. Ахир 1300 дан зиёд ходим манфаатини ҳимоя қилиш осон иш эмас-да!

Кўпчилик билан ишлаш ниҳоятда оғир. Ҳар бир ишловчининг қувончига ҳам, дардига ҳам шерик бўлиш етакчидан катта масъулият, қуноқчиликни талаб этади. Ана шу фазилатлари туфайли корхона жамоаси М. Зуфаровни 20 йилдан буён узларига етакчи қилиб сай-

лаб келади. Унга ишонишади. Жонқуяр, тўғри сўз, динатли эканлигини қадрлашади.

М. Зуфаров меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалалар билан шугулла-

нафар ёшга 1 млн. 158 минг сўм, касаба уюшма кўмитаси томонидан 5 кишига 100 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Янги оила қурган ёшларнинг 7 нафарига уй-жойли бўлиш ва маънавий жиҳозлар сотиб олиш учун давлат томони-

дан қарз олиш масаласида керакли ҳужжатлар рўйхати ҳозирланиб, Ҳамза тумани «Камолот» ЕИХга тавсия этилди. Ёш оила вакилларида 3 нафар ходим фарзандлари га ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига белу йўлланма, 2 нафарига дам

олиш уйларида оилавий хордик чиқариши учун 40 фоизли йўлланмалар берилди.

Болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига 8 млн. 750 минг сўмлик 100 та йўлланма жамоа шартномасига кўра белу тақдим этилди. Митрофанов номидаги сув спорти хавзасига ходимларнинг оила аъзоларига касаба уюшма кўмитаси томонидан 522 минг сўмлик чип-

талар тарқатилди. Шунингдек, касаба уюшма кўмитаси раиси, маъмурият вакиллари билан биргаллик «Корхонада ишлаётган ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли» мавзусида суҳбат ўтказилди.

Жамоада ёшлар муаммоларига эътибор катта. Йил боришдан буён янги иш уринлари ташкил қилиниб, 63 нафар ёш ишга қабул қилинди. Корхонада ишлаб, контракт

қайта таъмирлаш учун 28 млн. сўм ажратилди. Ишчиларни янада соғлом бўлиб ишлашлари учун 20 млн. 454 минг сўмлик сут маҳсулотлари, 2 млн. 376 минг сўмлик кийим-бош билан муҳандис-техник ходимлар таъминландилар.

Жамоанинг илгор ишчиларидан майонез таянч цехи бошлиғи Қаҳрамон Собитов, маргарин цехидан Шухрат Каримов, қаҳрабо цехи ишчиси Дилмурод Хусанбоев, экстракция таянч ишчиси Малика Раҳимова ва бошқалар иш унумининг ошишига катта хисса қўшишмоқда.

Хукуматимизнинг чорва моллари ва паррандачиликни ривожлантиришга йўналтирилган қарорлари ижросини таъминлашга кўра ҳовли-жойи бор ходимларга 30 доннадан 5 млн. 400 минг сўмлик жўжалар тарқатилди. Булар қилинган ишларнинг бир қисми ҳолос.

«Одамларнинг энг яхшиси одамларга манфаат келтирганидир», дейди маргарин таянч цехи бошлиғи Жалолиддин Абдуллаев. — Мирзахусан Зуфаровни ҳеч иккиланмай ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин. Муаммоларни олдиндан кўра олиш, ишчиларнинг дардини тинглаб иш юритиш касаба уюшма раисимизга хос фазилатдир.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил ва қатъий амалга ошириш касаба уюшмаси зиммасига катта вазифаларни юкламоқда. Ушбу масъулиятни елкасида кўтариб яшаётган етакчиларнинг борлиги эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди. **Комила БОЙМУРОВА,** «Ishonch» муҳбири

Нияти — эзгулик, амали — савоб

ниш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатади. Бинобарин, касаба уюшмалари таъсирчанлигини кучайтирмай туриб жамият манфаатлари уйғунлигини, иш берувчи ва ходимларнинг тенглигини таъминлаб бўлмайди. Эндиликда «ижтимоий мулоқот», «ижтимоий шерикчилик», «тармоқ келишуви» сингари тўшунчалар пайдо бўлган. Бошқача айтганда, касаба уюшмалари ҳаракатида жамиятнинг барча табақалари манфаатини ҳимоя қилиш кўзда тутилмоқда. М.Зуфаров билимдон, изланувчан, ташаббускор, кўпни кўрган касабакўм раиси сифатида бунинг моҳиятини теран англаб, шунга мос равишда фаолият олиб боради.

Мана, «Ёшлар йили» Давлат дастурини олиб кўрайлик. Жорий йилнинг биринчи ярмида маъмурият томонидан турли сабабларга кўра 12




асосида ўқиётган талабаларнинг ўқиши учун 2 млн. 345 минг сўм ўтказилди.

«Бахту саодатга элтувчи биринчи зинапоп саломатликдир» деган эди юнон файласуфи Суқрот. Саломатликнинг биринчи шарты эса спорт билан мунтазам шугулланиш эканлиги сир эмас. Шу мақсадда корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси Республика Болалар спортни ривожлантириш жамғармасига 10 млн. сўм, Кураш ассоциациясига ҳам шунча, «Байналминал» ногиронлар футбол клубига хайрия кўмаги тариқасида 5 млн. сўм, 50-сонли кенг профилли маҳсул мақтабга 2 млн. сўм ва шу каби ҳимойлик ёрдамлари уюштирди.

Умуман олганда, жамоа шартномасига кўра шу кунгача ҳар бир ходим ижтимоий ҳимояси учун 1 млн. 267 минг сўмдан сарфланди. Бундан ташқари, таъмирлаш ишларига 330 млн. 630 минг сўм, тиббий пунктни

«Ёз — 2008»



МАКТАБЛАР ҚУЧОҒИГА



Мана, ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам ниҳоялаб қолди. Бу йил Қорақалпоғистондаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар ва ишчи-хизматчиларнинг 2000 нафар фарзандлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида жойлашган оромгоҳларда мириқиб дам олишди.



И.ХАСАНОВ олган суратлар



Орамиздаги одамлар

Батартиб хонадон. Кенг пешайвон. Кирверишига сопол туякларда қатор қўйилган, совуққа ҳам чидамли гуллар кишини ҳайратлантиради. Уёғи узун ҳовли. Ойнаванд иссиқхона. Унинг ичида эса баҳор ҳавоси. Йўлдош канопларга боғланган чиннигуллар. Қизил, қирмизи, оппоқ. Темир қувурлар остидаги йўлакча бошдан-оёқ туякчалардаги турфа гуллар билан безанган. Этакроқда лимонлар мева тугиб, рангоранг атиргуллар очилиб ётибди. Мўъжиза! Дилингиз яйрайди.

— Қачон гул хидлагансиз? — дабдурустдан сўраб қолди мендан шундай мўъжиза яратувчиси Холматжон ака.

Жавоб беролмай ўйлаиб қолдим. Қачон гулни ушлаб хидлаганимни эслолмадим. Гулларга кўзим тушиб турган, албатта. Лекин атайлаб олиб хидлаб, завқини туймаганимга бир неча ой бўлибди...

— Гулнинг ширин хиди кўнгилдаги губорларни кетказди, — давом этди Холматжон ака. — Афсуски, одамлар гуллардан узоклашиб кетаяпти.

Чиндан-да, бугун қайси идорага кирманг, чиройли, аммо сохта гулларга кўзингиз тушади. Бундай курак гўзаллик, табиийки, хонаки гулларни сиқиб чиқармоқда. Ҳатто айвонлар ишлаб ўтирадиган хоналар деразасида ҳам сохта гуллар. Кўнгиллар хонаки гуллар тагини юмшатиб, сув кўйиб лаззатланиш ҳисидан бебаҳра қолмоқда. Атрофингизга қаранг, кирганингизга қаранг, кирганингизда разм солиниб, бир туп гулсиз хонадонлар бор...

Холматжон аканинг гапларини мароқ билан тинг-

ГУЛ ВА ДИЛ

лайман. — Ешлигимдан гулчиликка қизиқаман. Қаерда янги ва яхши гулнинг дарагини эшитсам, топиб келиб кўпайтираман. Шу уч сотишли иссиқхонамни йигирма йил бурун курганман. Юртга бир-биридан чиройли гуллар улашиб, шунинг ортидан тирикчилигимизни ҳам қилаялдим.



Холиқназар Жўрабоев

тирди. — Биласизми, гул одамнинг кўнглини юмшатади, — деб мени яна ҳайратга солиди Холматжон Насриддинов. — Яқинда ажойиб воқеа бўлди. Оқсоқолимиз йўқлаб, «Бир оилавий жанжални тинчитиб, келиштириб келсак» деб қолди. Яқинимиздаги ўша оилани билар эдим. Эр-хотин яхши, лекин хотин билан қайнона мурося қилолмайди. Иккита катта гулдаста тайёрлаб олдим. Оқсоқол «Гулларни нима қиласан?» деб сўради. Борганда кўрасиз дедим. Роса жанжалнинг устига борибмиз. Қайнона ва келиннинг кўлига гулдасталарни бериб, «Аёл гулга ўхшайди, гуллар ҳам уришади!» дедим. Гапим таъсир қилди шекилли, иккови ҳам индамай қолди, бир-бирига жилмайишди. Кейин бу оилада жанжал бўлганини эшитмадим.

Яқинда гул яраштирган келиннинг эри олдимга келди. «Холмат ака, шу гулда гап кўп экан, ўргатсангиз, гулчилик билан шуғуллансам» деди. Ҳозир иссиқхонасида гуллари бор.

Хонадонда Арабистонда ўсадиган хурмо дарахти ҳам яшнаб турибди. Ҳиндистондан келтирилган ноёб оқ атиргул кўчатлари бор. Ёввойи гулга пайвандлаб кўпайтирди. Узи яратган навлар ҳам бир нечта... Қисқаси, бу хонадонда дунёнинг энг ажойиб, энг чиройли, энг муаттар гуллари яшнаб ётибди. Бу Холматжон ака ва оиласидегиларнинг меҳри туйфайлидир.

Олтириқ тумани Янгиқўрғон қишлоғи Усмонобод маҳалласидаги бу оила либрят олдулик. Оилада гулдек олти қиз улайди. Барчаси гул шайдоси. Бека Шаҳзодадон ҳам белини маҳкам боғлаганча гуллар ичидан чикмайди.

Гуллар бор оиладан бахт-у қувонч, файз-у барака аримаيدди.

Холиқназар Жўрабоев

Касаба уюшма талбири ҚУРУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоят вакиллиги тармоқ ходимлари спартакиадаси фоят қизгин кечди. Унда 23 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан юздан ортиқ вакил иштирок этиб, спортнинг шашка, стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича ўзаро беллашди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Тарихингдир минг асрлар...

Ёдгор Валлабий мадрасаси

Валлабий сўзи валинеъмат, юрт эгаси маъналарини билдириб, Кеш, Китоб ва Яққабоб беклигига қарашли худудларда унинг тарихига оид айрим манбаларга дуч келдик. Бу борада «Олтин мерос» жамғармасининг Китоб тумани бўлими бошлиғи Аҳад Бордиев, Яққабоб туман бўлими раҳбари Жуман Тўхилевлар тўплаган манбалар шу ҳақда гапиришимизга асос бўлади. Қолаверса, 1817 йили Яққабоб беклиги тасарруфиде бунёд этилган шайх Ёдгор Валлабий мадрасаси, унинг атрофида бўлиб ўтган воқеалар бу тарихий манбалардан халқимизни хабардор этишга қорлади. Тоғлар орасида бўлгани учун ҳам унинг икки қавати бугунги кунга қадар сақланиб қолган.

Истиклол йилларида яққабоблик маҳаллий раҳбарлардан Раҳмон Нормуродовнинг саъй-ҳаракатлари билан мадраса бир қадар тикланган.

«Бу Сомон намоёндаларининг банд равоқий тоқиларидадур. Ва тоза сув ва кенг ҳаволи жойда кўрмак қилиб қурилди. Бунинг каби иморатлар бухоролик маликларнинг ҳаммасида бўлмаган... Аллоҳ Таолонинг инъом этган бахти-ла ва фазли-ла бунёдга келди. Тамоми ихлос билра бунди Ёдгор иморати дейилур. Бу иморат хижрий 1238 йил санасида қурилган» дейилади унинг пештоқидаги ёзува. Санани хижридан мелодийга ўтказадиган бўлсак, 1817 йилга тўғри келади.

Арқ-қалъа банд ва қалин девор билан ўрланган деҳри, унинг ташқарисида икки қатор мустаҳкам айлана девори бўлган. Учинчи айлана деворнинг таши томони чуқурликлар билан муҳофазаланган. Қалъа деворларининг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Бекликнинг арқ-қалъасига 4 та дарвозадан кириб келинган. Кўкдарвозадан арқ-қалъа ичига — ўрдага кирилган. Қўш табақали маҳобатли дарвоза асосий кириш йўли ҳисобланиб, кўкдарвозанинг тагида ва икки ёнида ерости иморатлари ҳам бўлган. Шунингдек, шу дарвозадан бек саройи, девонхона ва мадрасага кирилган. Қолган дарвозалар қалъада истеҳком қилувчилар, мударрис, илми толиб, мулозим, лашкар ва турли хизматчиларга мўлжалланган.

1826-1860 йилларда Бухоро амири бўлган Насрулло бу ерга бир неча бор боқин юштириб, хатто Амир Темир ҳазратлари Кешда қурдирган обидалардан тортиб, шайх Ёдгорбек томонидан барпо қилинган арқ-қалъа деворларигага ваёрон этган.

1930 йилларгача руслар боқинига бўйсунмай, охирги нафасигача қурашган, бироқ болбалардан ёдгорлик обидаларининг бузилиб кетишига йўл бермаган аждодларнинг руҳи бу масканларда кезиб юргани, биздан имдод кутаётгани ҳақиқат. Бундай улуг иморатларни асраб-авайлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Шарофат АШУРОВА, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Қашқадарё вилояти бошқаруви раиси

ТОШКЕНТДА ЕР СИЛКНИДИ

Ўзбекистон пойтахтида 22 август кун соат 13 дан 26 дақиқа ўтганда ер силканди.

«Тошкент» марказий сейсмик станциясидан олинган дастлабки маълумотларга қўра, ер ости силканишининг кучи ўн икки балли шкала бўйича 6, Рихтер шкаласи бўйича 4,5 баллини ташкил этган. Зилзила маркази Тошкентдан 15-20 километр узоқликда жойлашган Назарбек қўрғониде қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Фануқода вазиятлар вазирлигидан маълум қилишларича, қурбонлар ва вайронгарчилик йўқ.

Овчи ҳикоялари

Бандан тоғ этакларида жойлашган фермер хўжалиги қўйчивонлари оғзидан «Бўрининг кулки ойда. Узи тўйса ҳам кўзи тўймас» деган ибора тўшмайдди. Яхшиям чорволик Файзи мерган бор, унча-мунча хавфни бағраб атиб туради.

Файзи мерган чўпонларнинг мўъжизагина унисига кираркан: — Марҳамат қилиб тоғ инъомларини қабул қилинг, — деди ва қўлидаги бир боғ жамбилу нордон мева-ли буталарни дастурхон чеккасига қўйди.

Хонани бир пасда ёқимли хид эгаллаб, чўпонлар кўнглидаги губор бироз таркагандай бўлди.

Унчага кирверишдаги ўчоқда қамрон шақирлаб қайнар, суви чўққа сарқаб чарсилларди. Меҳмон бир пилча қол устида ферма жамоасининг шу кеча-кундуздаги юмушлари билан қизиқди.

Содик амаки бошлиқ фермер хўжалиги ҳисобиде бир уор йилди, юз чоғли кўй ва ўнча сигир бўлиб, жамоа давлатта ҳар йили катта миқдорда гўл ва сут топширади. Ниҳоят, мавриди келиб фермер қурол ва ўқ-дорининг камчилиги туйфайли йиртқичлар фаоллашиб, тинчлик бермай қўйганидан гап очди. Уч-тўрт кун илгари ҳам тонг-сахар уордаги йилқиларнинг беэовета кишнаши ва туйқларининг дугур-дугурига қарамай бўрилар уч кунлик қулунни ним-талаб кетишди. Айниқса, тунда дарё бўйида қилиб кетган гунаҳининг дом-даракиси гоийб бўлгани молбоқарларни хангу-манг қилиб қўйди. Изламаган жойлари қолмади. Охири жониворнинг лоши бутазор ора-

сидан топилди. Шу-шу, жамоа чор-вани эҳтиётлаш мақсадида тунда на-вбатчилик қиладиган бўлди.

Мерган дастлаб ферма теваригини синчиқлаб ўрганди. Йиртқичлар ошиб ўтадиган тўсинлар ёнига қол-қон ўрнатди. Шунга қарамай бўри қопқонларни четлаб уч метрлик де-вордан ҳам ошиб қўйларни ўмариб кетишига ақл бовар қилмасди. Уйлаб-ўйлаб охири вилот овиқлар жамия-тининг рўхсатномаси билан йиртқичлар юрадиган йўларга заҳарлан-ган гўлтни хўрак қилиб қўйиб чиқ-ди. Лекин, қоринлари таталаб тури-шига қарамай махлуқлар хўракка яқинлашмади. Кексалар изоҳ бе-ришди: бўрилар эски озиққа қайри-либ ҳам қарамайди.

Кўш энди ётояга бош қўйгани-да овчи билан Нарвон тоғи ошви-дан ўтарканмиз, ёлғизоёқ тупроқ йўлда йиртқичларнинг янги излари-га кўзимиз тушди. Харсанглар пана-сига бекиниб уларни пойлаб бош-ладик. Қоронғилик чўкиб тўлин ой чикқанида тун сукунатини турли ма-вудотларнинг шовқин-сурони буза бошлади.

Тонг ёришган Қашқирсой дараси томондан тўрт-беш шарпаннинг биз томон келаётганини дурбин орқали кўрдик. Уртада эллик-эллик беш одим қолганида бўрилар бизни пай-қаб қилишди шекилли, бошловчиси юришини секинлатди. Орқадагила-ри тўхтаб қолди. Хуллас, туни билан овимиз бароридан келмай тоғда яна бир неча кун қилиб кетдик.

Кўш буй кўрсатганда Осмонсой тақислигидаги шувокзорга уловни арқонларкан, този итларининг ке-

либ қолганидан овчининг ҳафсала-си пир бўлди. Тозилар бу ерга эга-сининг исини олиб ўнлаб қақирим масофани босиб келганди. Овчи оёвга туюв бўлмаслиги учун улар-ни улв ёнида қолдириб, юқорига ўрлаб бошлади.

Қуллимгадана дарахтлар ора-сидан қашқир-нинг хирилдоқ товушда уял-лагани эшитил-ди. Биз эҳтиёт-корлик билан дарахтлар ора-лаб бораркан-миз, ёлдор бўрининг ёнида бир неча йиртқич чўкяйиб ўтирганининг гувоҳи бўлдик. Шунда овчи хайт деганча бирин-кетин бешотарнинг тевкисини бос-ди. Бироқ ўк нишонга тега-ди. Йиртқичлар жүдоқлашган, биз уларни таъкиб қилишга туш-дик. Кейин пай-қаб қолдим: ёлдор бошқа бир дарахт та-гига бориб чўкяйган экан.

Овчи дарахтларни оралаб йиртқич-нинг ваҳожати ва асабийлашганини кўрган, уни нишонга олишга юраги дов бермади.

Кўз охиқлаб ҳаво бирдан совуб бошлади. Тўрткўз лақабли итими-з билан теваракни кузатиб турганими-зда қишлоқдан овчилар ёрдамга ке-либ қолишди. Вақт тизги. Энг муҳи-ми, зиммамизда байроқчалар ора-лиқидан ўтадиган йиртқичларни сой



ТўқСМҚ

ий. — Таваққал қиламиз. Биз йиртқичларни йўлга солиб яна хайдаб бошладик. Лекин ҳар гал сой этакига яқинлашганда ёлдор оловга тушиб қолгандай сағчиб кетарди.

Биз фермахона отбоқари билан эгри-бўғри йўл бўйлаб энди юқори-га кўтарилганида тоғларни лар-зага солувчи ўқ овози қулқун қомат-га келтирди, кейин эса «қўлга туш-ди» деган таниш овоз эшитилди. Етиб борганимизда ёлдор бўри ери тишлаб ётарди. Қолганлари отил-ганди. Қўздан қўн қочиб қулғулмас. Уларнинг қорнини ўриб кўрганими-зда қўй думбасининг булақлари чиқ-ди. Ҳаш-паш дегунча уларнинг те-рисини ажратдик. Кейин унча шиф-тига осиб қўйдик.

Маълум бўлишича, ёлдор илгари ҳам олд оёвчидан бир неча бор қоп-қонга тушиб жараҳат олгандан сун-ги синиб, ўсимта ҳосил бўлган экан. Афтидан, қаттиқ оғриқ ва тахлика ёлдор бўрининг хотирасида мустаҳ-кам ўрнашиб қолганди.

Абдулла САИДОВ, «Ishonch»нинг жамоати мухбири

Ўзбекистон Агротехнолоджи мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Мар-казий кенгаши ҳамда АСМ ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпо-ғистон Республикаси кенгаши жамоаси Эллиққалъа туман кенгаши раиси Пайзулла Худайбергеновга акаси

САДУЛЛА аканинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология хо-димлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилот-ти вакиллиги «Саноатўнэнергоқурилиш» шўъба қорхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳматжон Акбаровга падари бузруквори РИСКМН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors and contributors.